

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ҚУВОНОВ ЗАРИФ ОМОНБОЕВИЧ**

**АБДУҚОДИР ҲАЙИТМЕТОВНИНГ АДАБИЁТШУНОСЛИК  
ФАОЛИЯТИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)  
on Philological Sciences**

**Қувонов Зариф Омонбоевич**

Абдуқодир Ҳайитметовнинг адабиётшунослик фаолияти ..... 3

**Куванов Зариф Омонбоевич**

Литературоведческая деятельность Абдукадыра Хайитметова..... 25

**Kuvonov Zarif Omonboyevich**

Literature studies activity of Abdukadir Khaitmetov ..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 53

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ҚУВОНОВ ЗАРИФ ОМОНБОЕВИЧ**

**АБДУҚОДИР ҲАЙИТМЕТОВНИНГ АДАБИЁТШУНОСЛИК  
ФАОЛИЯТИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.3.PhD/Fil487 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ҳаққулов Иброҳим Чориевич**  
филология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Салоҳий Дилором Исомиддин қизи**  
филология фанлари доктори, профессор

**Олимов Султонмурод Ҳошимович**  
филология фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Dsc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz) Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона.

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**М.Қ. Муҳиддинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**А.Б. Пардаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д.

**Б. Йўлдошев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида муайян миллат маънавий меросига, илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган ижодкорлар илмий-маърифий фаолиятини тадқиқ этиш адабиётшуносликнинг адабий-эстетик категорияси сифатида барча даврларда ўзига хос илмий-назарий аҳамиятга эгадир. Зеро, бадиий асар таҳлили, матннинг турли методлар асосидаги талқин тамойилларини ўрганиш ва илмий-эстетик тафаккурни шакллантирган омилларни белгилаш адабиётшунослик ривожига ва такомилга замин яратиб, адабиётшунослик олимлари ва адабий танқидчилар илмий меросини замонавий нуқтаи назардан тадқиқ этишда концептуал хулосаларга асосланган кенг миқёсли тадқиқотлар олиб бориш заруратини белгилайди.

Жаҳон адабиётшунослигида мунаққид ва адабиётшуносларнинг илмий мероси ҳамда адабий-эстетик қарашлари юзасидан олиб борилаётган изланишлар фан тарихи асосида унинг назарияси тараққиётини таъминлашга хизмат қилади. Чунки муайян олим илмий фаолиятини тадқиқ қилиш, унинг тадқиқот усуллари, матнга ёндашиш принциплари ва асарни баҳолаш мезонларини ўрганиш адабиётшунослик ривожига учун муҳим омиллардан бири саналади. Глобаллашув жараёни дунё адабиётшунослигида юзага келган илғор илмий-методологик усуллар асосида миллий адабиётшунослик мезонларининг янги тамойилларини шакллантириш, ижодкор-олим шахсияти ва илмий меросини тадқиқ этиш ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбек адабиётшунослигининг катор соҳалари, айниқса, навоийшуносликка доир тадқиқотлари билан ўзбек навоийшунослиги мактабини янги босқичга кўтарган ва жаҳон адабиётшунослигида эътироф этилишига улкан ҳисса қўшган серқирра олим Абдуқодир Ҳайитметов илмий фаолиятини монографик тарзда ўрганиш айна илм тармоғи учун кўплаб муҳим хулоса ва умумлашмалар тақдим этиши шубҳасиз. “Илм-фан билан шуғулланиш, янги кашфиёт ва ихтиролар қилиш игна билан қудуқ қазишдек гап. Шундай экан, бу машаққатли соҳада фидокорона меҳнат қилаётган олимларимиз меҳнати таҳсин ва рағбатга муносиб”<sup>1</sup>. А.Ҳайитметов XX асрнинг 50-йилларидан янги аср бошларигача илмий фаолият билан қизғин шуғулланиб, ўзбек адабиётшунослиги ривожига катта ҳисса қўшди. Унинг илмий тадқиқотлари нафақат ўзбек, балки қардош халқлар адабиётшунослари орасида ҳам маълум ва машҳурдир. Олим ўзининг салкам олтмиш йиллик илмий-ижодий фаолияти давомида ўзбек мумтоз адабиётининг кўплаб муҳим мавзу ва долзарб масалаларини ўрганган. Миллий сўз санъатимизнинг у тадқиқ этмаган мавзуси ва намояндаси деярли йўқ десак, муболаға қилмаган бўламиз. Олимнинг тўрт юздан ортиқ мақолалари эълон қилинган, ўндан ортиқ монография ва китоблари чоп

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари, Фанлар академияси аъзолари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари, тижорат банклари раҳбарлари, етакчи олий ўқув юртлари ректорлари билан 2016 йил 30 декабрь куни бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқидан / Халқ сўзи, 2016 йил, 31 декабрь.

этилган, қатор мумтоз адабиёт вакиллариининг қўлэзма асарларини бирламчи манбалар асосида нашрга тайёрлаган. Шунга қарамай, унинг серкирра фаолияти ҳозирга қадар махсус тадқиқ этилмаган. Ҳолбуки, адабиётшунос олимнинг илмий биографиясини яратиш, унинг ўз тадқиқотларида таянган илмий-методологик асосларни аниқлаш, илмий ва ижодий меросининг қимматини холис белгилаш, ҳеч шубҳасиз, илмнинг кейинги тараққиётида муҳим ўрин тутди. Бинобарин, илмий тадқиқотларида Алишер Навоий ва бошқа бир қатор мумтоз сўз санъатимиз намояндаларининг бадиий асарларидаги тасвир йўналишининг назарий таянчи бўлмиш ижодий методларни ижтимоий ва адабий воқелик билан узвийликда текширган А.Ҳайитметовнинг ўзбек адабиётшунослиги ривожига қўшган салмоқли ҳиссаси, забардаст олимнинг илмий-адабий қарашлари моҳиятини, услубидаги ўзига хосликларни монографик тарзда яхлит ўрганиш мазкур диссертациянинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги фармойишида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётшунослигида ижодкор-олим шахсияти, илмий-ижодий фаолияти, адабий-эстетик дунёқараши асосида уларнинг асарларини таҳлил ва тадқиқ қилишга қаратилган муайян ишлар амалга оширилган<sup>1</sup>.

---

1 Шяхутова С. Проблемы взаимодействия фольклора и литературы в научном наследии Д.С.Лихачева: Автореф. дисс....канд.филол.наук.–Майкоп, 2010; Ли бен Хун. Проблема художественного образа в литературной критике В.Г.Белинского: Автореф. дисс....канд. филол.наук.–М.,1999; Бреева Т.Н. Литературно-критическая деятельность М.А. Волошина: Автореф. дисс....канд.филол.наук. –Казань. 1996;

Ўзбек адабиётшунослигида ҳам Абдурауф Фитрат, Вадуд Маҳмуд, Отажон Ҳошим, Абдурахмон Саъдий, Азиз Қаюмов каби олимларнинг фаолияти алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида текширилган<sup>1</sup>. Лекин кейинги давр адабиётшуносларининг илмий, адабий-эстетик фаолияти тадқиқот доирасидан бир қадар четда қолиб келмоқда.

Профессор А.Ҳайитметовнинг асарлари ва қарашлари махсус илмий тадқиқ этилмаган бўлса-да, унинг ўзбек мумтоз адабиёти тарихини ўрганиш, навоийшунослик, манбашунослик ва матншунослик соҳасидаги назарий фикрлари ва амалий ишлари, эришган ютуқлари кўпчилик олимларнинг эътибори ва эътирофига сазовор бўлган. Унинг илмий ишларига хос ижобий хусусиятлар Б.Валихўжаев, А.Қаюмов, С.Ғаниева, Ё.Исҳоқов, З.Кедрина, А.Абдуғафуров, С.Эркинов, А.Қулжонов, Т.Мирзаев, Н.Комилов, Б.Назаров, И.Ҳаққулов, Д.Салоҳий, Н.Жумаев, Қ.Йўлдошев ва бошқаларнинг тадқиқотларида муайян даражада кўрсатиб берилган<sup>2</sup>.

Р.Воҳидовнинг “Навоий қалби-ла сирлашган инсон”, “Навоий меросига ошуфта кўнгил” рисолалари олимнинг таржимаи ҳоли, талабалик йиллари, устозлари, сабоқдошлари, яратган асарлари, энг муҳими, адабиётшунос олим А. Ҳайитметов изланишларининг мазмун-моҳияти каби масалалардан баҳс юритилгани билан аҳамиятлидир<sup>3</sup>.

Лекин бу такриз, сўз боши ва олимнинг турли ёшдаги юбилей саналари муносабати билан ёзилган тўйхат тарзида чоп этилган мазкур мақолалар

---

Худойдодов А. Холик Мирзозода и таджикское литературоведение XX века: Автореф. дисс....д-ра филол.наук. –Душанбе, 2015; Курбонова С.И. Абдулгани Мирзоев – исследователь истории персидского-таджикской литературы: Автореф. дисс....канд.филол.наук. –Душанбе, 2007; Егоров П.А. Розанов В.В. – литературный критик: проблематика, жанровое своеобразие, стиль: Автореф. дисс....канд.филол.наук.–М., 2002; Asilsoy Abdulkarim. Türk Modernleşmesi Öncülerinden Fuat Köprülü: Hayati, Eserleri va Fikirleri (yaumlanmamış doktora tezi). –Istanbul, 2008.

<sup>1</sup>Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси: Филол.фан. д-ри... дисс. –Тошкент, 1996; Каримов Б. Вадуд Маҳмуднинг 20-йиллар адабий танқидчилигидаги ўрни: Филол.фан. номз... дисс. – Тошкент, 1995; Ёқубов И. Отажон Ҳошимнинг адабий-танқидий фаолияти: Филол.фан. номз... дисс. – Тошкент, 1993; Мўминова Н. Абдурахмон Саъдийнинг адабиётшунослик мероси: Филол.фан. номз... дисс. – Тошкент, 2002; Адизова О. Адабиётшунос Азиз Қаюмов тадқиқотларида биографик методнинг ўрни: Филол.фан. фалс.докт (PhD)... дисс. – Қарши, 2018.

<sup>2</sup>Валихўжаев Б. Навоий лирикаси ҳақида тадқиқот // Ўзбек тили ва адабиёти. 1963. –№1. – Б. 73-75.; Ғаниева С. Навоийшуносликнинг муҳим ютуғи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1966. –№ 1. – Б. 69-72.; Исҳоқов Ё. Абдуқодир Ҳайитметов // Ўзбек тили ва адабиёти. 1968. –№ 4. –Б. 68-70; Қаюмов А. Навоийдан нур олиб. – Тошкент, 2001. –Б. 40.; Кедрина З. Учиться , чтобы учить // Литературная газета. – М. 1972, 26 января; Комилов Н. Хазина калити // Гулистон. 1976. №2. –Б. 28-29.; Абдуғафуров А. Эркинов С. Абдуқодир Ҳайитметов // Ўзбек тили ва адабиёти. 1976. –№2.– Б. 87-89; Қулжонов А. Абдуқодир Ҳайитметов / Илм ва ижод оламида. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1980.–Б. 84-92; Ҳаққулов И. Табаррук излар изидан... // Ўзбек тили ва адабиёти. 1980. –№5.–Б.75-77; шу муаллиф. Абдуқодир Ҳайитметовнинг ўзбек адабиётшунослигидаги ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти. 2016. –№ 3.–Б. 22-26.; Мирзаев Т. Зукко олим // Мулоқот. 1996. – №6. –Б. 45-48; шу муаллиф. Навоийшунослик сардори // Ўзбек тили ва адабиёти. 2016. –№3.–Б. 18-22; Йўлдошев Қ. Маънавият сабоқлари / Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Т.: Ўқитувчи. 1997.–Б. 3-5.; Б.Назаров. Мумтоз шеърятимиз поэтикасининг улкан тадқиқотчиси // Ўзбек тили ва адабиёти. 2016. –№3. – Б. 26-30; Салоҳий Д. А. Ҳайитметовнинг адабий услублар ҳақидаги қарашлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006, –№1. – Б. 10-15. Жумахўжа Н. Устоз ибрати // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 28 январь.; шу муаллиф. Мактаб яратган олим / Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Т.: O‘zbekiston, 2015. – Б. 3-18.; Қувнонов З. Абдуқодир Ҳайитметов. – Т.: Ўзбекистон, 2016; Забардаст навоийшунос (Атоқли навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов таваллудининг 90 йиллигига бағишланган мақолалар тўплами). – Тошкент, 2016.

<sup>3</sup>Воҳидов Р. Навоий қалби-ла сирлашган инсон. – Т.: Фан, 1999; Навоий меросига ошуфта кўнгил. (Тўлдирилган иккинчи нашри). – Т.: Фан, 2005.

А.Ҳайитметов илмий фаолияти ва меросини яхлит баҳолаш мақсадига йўналтирилмай, олим серқирра ижоднинг муайян қирраларини ўрганиш билан чекланилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Навоий давлат педагогика институтининг илмий тадқиқот ишлари режасидаги “Ўзбек адабиётини ўрганишнинг долзарб масалалари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Абдуқодир Ҳайитметовнинг ҳаёт йўли ва илмий фаолиятини ёритиш, адабий-эстетик қарашларининг асослари, шаклланиш босқичлари, етакчи тамойилларини аниқлаш, навоийшуносликка қўшган ҳиссаси, муайян адиб ижодига ёндашув усуллари ва бадиий асарни баҳолаш принциплари, назариётчи ва матншунос олим сифатида амалга оширган ишларининг моҳияти ва аҳамиятини кўрсатиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Абдуқодир Ҳайитметовнинг илмий биографиясини яратиш;  
олимнинг адабий-эстетик қарашларидаги ўзига хосликларни аниқлаш;  
навоийшуносликка доир тадқиқотларининг миқёси, йўналишлари, ўзига хослиги, етакчи тамойиллари, ютуқлари, илмий аҳамиятини исботлаш;  
олимнинг ижодий метод ва услуб борасидаги тадқиқотларининг илмий-назарий қимматини белгилаш;

А.Ҳайитметов адабиётшуносликнинг турли йўналишларида самарали фаолият кўрсатган серқирра олим эканини кўрсатиб бериш;

олимнинг матншунос сифатида нашрга тайёрлаган асарлар, қўлёзмалар билан ишлаш усуллари, матншунослик билан боғлиқ назарий қарашларини ойдинлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** қилиб Абдуқодир Ҳайитметовнинг сермаҳсул ва серқирра илмий тадқиқотчилик фаолияти олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида А.Ҳайитметов илмий-ижодий фаолиятига хос хусусиятларни аниқлаш ва етакчи тамойилларни тайин этиш белгиланди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, тарихий-қиёсий, контекстуал ва комплекс таҳлил, биографик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотининг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

Абдуқодир Ҳайитметов илмий-назарий қарашларининг манбалари, тадрижи ва етакчи тамойиллари, ўзбек адабиётшунослиги ва навоийшунослиги тараққиётига қўшган муносиб улуши, тадқиқотларининг умумэстетик талабларга жавоб бериши назарий жиҳатдан асосланган;

Абдуқодир Ҳайитметов тадқиқотларида Алишер Навоий адабий-танқидий қарашларининг назарий масалалари, мутафаккир шоир лирикаси, “Хамса”га доир асарлари орқали навоийшуносликни методологик жиҳатдан илмий-услубий йўналишда ўрганишни бошлаб бергани исботланган;

Шарқ мумтоз адабиёти тарихи, навоийшунослик, халқ оғзаки ижоди, матншунослик, замонавий ўзбек адабиёти масалалари билан шуғулланган



кўп қиррали тадқиқотчи сифатидаги индивидуал маҳорати илмий далилланган;

олимнинг мумтоз адабиётимиз улуғ сиймолари ҳақидаги илмий ва адабий-танқидий асарлари ўзбек адабиёти тарихини яратишда муҳим манба бўлиб хизмат қилгани очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

профессор А.Ҳайитметовнинг адабиётшунослик соҳасидаги илмий тадқиқотлари, унинг матншунослик фаолияти давомида нашрга тайёрлаган китоблари яхлит ҳолда ўрганилиши натижасида ўзбек адабиётшунослиги ва мумтоз адабий танқидчилик тарихи учун зарур илмий факт ва маълумотларни аниқлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, тадқиқот давомида чиқарилган хулосалар адабиётшунослик учун янги илмий-назарий маълумотлар бериши, ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси, адабий танқид тарихи, айниқса, навоийшунослик каби фанлардан яратиладиган ишчи дастур, дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган;

А.Ҳайитметовнинг йирик мумтоз адабиёт мутахассиси, матншунос ва назарий олим сифатидаги фаолиятининг энг муҳим қирралари кўрсатиб берилгани бугунги кун ўқувчисининг дунёқараши ва тафаккурини шакллантиришда ҳамда жамиятнинг ахлоқий-эстетик ва маънавий-маърифий такомиллида муҳим аҳамият касб этиши аниқланган, оммавий-ахборот воситаларида устозларнинг фидойилигидан ёшларни хабардор қилиш, илмсеварликни, китобхонликни кенг тарғиб ва ташвиқ қилишда манба вазифасини ўтаган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда муаммонинг аниқ қўйилгани, қўлланилган усуллар ҳамда юзага чиқарилган фикр ва қарашларнинг таснифлаш, таҳлилий-қиёсий, ижодий-генетик, контекстуал ва комплекс таҳлил методлари орқали асослангани, ишончли илмий-назарий манбалардан фойдаланилганлиги, назарий хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалардан миллий адабиётшунослик фанининг кейинги тараққиёти йўналишларини тайин этишда фойдаланилади. Шунингдек, диссертацияда йирик адабиётшунос олимлар меросига ёндашишнинг асосли илмий тамойиллари кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундаги хулоса ва тавсиялардан адабиётшунос ва мунаққидлар илмий ижодини замон руҳида талқин қилишда, шунингдек, олий филологик таълимда дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга тадқиқот мумтоз адабиёт тарихи ва навоийшуносликнинг етакчи тамойилларини аниқлашда материал сифатида хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** А.Ҳайитметовнинг адабиётшуносликка доир фаолияти ҳамда тадқиқотларининг илмий-назарий

асосларини ишлаб чиқиш асосида:

А.Ҳайитметов илмий тадқиқотларида халқ педагогикасига хос таълимий-тарбиявий қарашларнинг хулосаларидан ХТ-Ф2-004 рақамли “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” (2008–2010) мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 июлдаги 89.03-2675-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасидаги буюк алломаларимиз асарларининг қисқача шарҳи ва мазмунини очиб берувчи халқ педагогикасига хос тарбиявий масалалар янги ахборотлар билан бойитилган;

адабиётшуноснинг тадқиқотларидаги оғзаки ва ёзма адабиётнинг ўзаро таъсир масалаларига доир назарий хулосаларидан Ф1-ХТ-0-19919-рақамли “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни” (2012–2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 8 августдаги 89.03-2951-сон маълумотномаси). Олинган натижалар мумтоз адабиёт ва фольклор муносабатининг ўзаро боғлиқлигини ёритишда манба вазифасини ўтаган;

А.Ҳайитметовнинг илмий-ижодий фаолияти ва адабий қарашлари, унинг Навоий қомусига доир методологик кўрсатмалари Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган “Алишер Навоий (2 жилдлик) ва Абдулла Қодирий қомусларини яратиш” (2012-2016) фундаментал илмий лойиҳасининг ўзбек навоийшунослари билан боғлиқ қисмига татбиқ қилинган (Фанлар академиясининг 2019 йил 4 октябрдаги 3/1255-2645-сон маълумотномаси). Натижада олимнинг навоийшуносликка доир тадқиқотларида илгари сурилган фикр ва мулоҳазаларидан фойдаланиш лойиҳанинг илмийлиги ҳамда мукамаллигини таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация натижалари 4 та халқаро (жумладан, 1 таси хорижда) ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш (1та рисола ва 21 та мақола) чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 11 таси республика ҳамда 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация 165 саҳифадан иборат бўлиб, кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқот

усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Абдуқодир Ҳайитметовнинг адабий-эстетик қарашлари**” деб номланиб, у икки фаслдан иборат. “*Абдуқодир Ҳайитметов илмий-ижодий фаолиятининг ўзбек адабиётшунослиги такомиллида тутган ўрни*” деб аталган илк фаслида атоқли олимнинг илмий биографиясини яратишга ҳаракат қилинади. Адабиётшуносликнинг мухтасар таржимаи ҳоли, илм оламига кириб келиши, дастлабки устозлари, олим сифатида шаклланиши, изланишларининг асосий йўналишлари, муҳим тадқиқотлари, ўзбек адабиётшунослиги, хусусан, навоийшунослигига қўшган ҳиссаси, нафақат ўзбек мумтоз адабиёти, шунингдек Шарқ сўз санъати ва замонавий адабиёт бўйича амалга оширган ишлари, матншунослик ва таржимонлик фаолияти каби масалалар юзасидан фикр юритилади.

Забардаст адабиётшунос, етук навоийшунос, захматкаш матншунос, ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётининг йирик тадқиқотчиси, Шарқ сўз санъати билимдони Абдуқодир Ҳайитметов 1926 йилнинг 27 майида туғилган. Унинг таржимаи ҳоли расмий маълумотлардан ташқари, ўзининг бадиий асарларида, хотира-қиссаларида келтирилган. У ўзи туғилиб ўсган Кўкон шаҳри этагидаги Данғара туманининг Қиёликум қишлоғини “Бўрилар увлашган кеча” қиссасида, “Азиз қишлоғим”, “Қиёликум қишлоғи” шеърларида тасвирлаган. Тақдир қийинчиликларига анча эрта юзма-юз келган Абдуқодир Ҳайитметов иродаси, матонати, илмга иштиёқи ва меҳнатсеварлиги билан турмуш машаққатларини енгиб ўтди.

XX асрнинг 20-йиллари охири – 30-йиллари бошидаги талотўплар туфайли Тошкентга келиб қолиб, шаҳардаги 13-ўрта мактабда ўқийди. 1944–1949 йилларда Ўрта Осиё давлат университетининг шарқшунослик факультети эрон-афғон бўлимида таҳсил олади. Талабалигидаёқ илмий изланишлар олиб бориш иқтидорини намоён этиб, илмий анжуманларда Бобораҳим Машраб ҳаёти, шеърляти ҳақида маърузалар билан қатнашиб, дастлабки қадамларидаёқ ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган олим сифатида шакллана борди. Форс-тожик адабиётининг улкан намояндаси Муслиҳиддин Шайх Саъдий ижоди ҳақида диплом иши ёқлади. Шуниси эътиборлики, олим умри давомида бу жиҳатга диққат қаратиб, улуғ форс шоири Саъдий ижоди ҳақида қатор мақолалар ёзди<sup>1</sup>. Машраб асарларини нашрга тайёрлади. 1949 йилда ЎзР ФА Шарқ кўлёмалари (ҳозирги Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик) институти аспирантурасига қабул қилиниб, академик Ойбек раҳбарлигида “Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари” мавзусида илмий изланиш олиб борди.

“Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари” мавзусидаги номзодлик диссертациясидан сўнг А. Ҳайитметов Навоий ижодининг хос

---

<sup>1</sup> Ҳайитметов А. Форсий шеърлят ва Алишер Навоий назмининг жанр хусусиятлари // “Нури маърифат” газетаси, 1996, 19 апрель. (Хўжанд); Шайх Саъдий // Сино, 2004. -№ 4. – Б. 22–24.

тадқиқотчисига айланди. Ёш олимнинг бу йўналишдаги мақолалари 1950 йиллардаёқ нуфузли нашрларда эълон қилина бошлади. Хусусан, “Алишер Навоий поэтик маҳорати ҳақида”, “Мажолис ун-нафоис” ҳақида мулоҳазалар”, “Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишда қимматли манба”, “Алишер Навоийнинг сарбадорларга муносабати” сингари долзарб мавзулардаги мақолаларида улуғ шоир фаолиятининг турли қирралари тадқиқ этилган.

“Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари” (1959), “Навоий лирикаси” (1961), “Навоийнинг ижодий методи масалалари” (1963), “Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан” (1970), “Навоий даҳоси” (1970), “Ҳаётбахш чашма” (1974), “Навоийхонлик суҳбатлари” (1993), “Темурийлар даври ўзбек адабиёти” (1996), “Адабий меросимиз уфқлари” (1997) каби асарлари билан нафақат навоийшунослик фанини янги босқичга кўтарди, балки ўзбек адабиётшунослиги ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшди.

Олим илмий-ижодий фаолиятининг муҳим бир қисми ўзбек мумтоз адабиётининг яхлит тарихини яратишга боғлиқ илмий изланиш ва ташкилотчилик фаолиятдан иборатдир. Унинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида 1977–1980 йилларда ўзбек тилида беш жилдли, 1991–1992 йиллар орасида рус тилида икки жилдли “Ўзбек адабиёти тарихи” фундаментал тадқиқоти яратилди. Бундан ташқари, олим тўрт жилдли “Ўзбек адабиёти” мажмуаси, уч жилдли “Ўзбек поэзияси антологияси”, Алишер Навоийнинг ўн беш ва йигирма жилдли асарлар тўпламларини тузишда фаол иштирок этган. Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” ҳамда “Фарҳод ва Ширин” дostonларининг насрий вариантларини тайёрлаб нашр эттирди. Адабиётшунослик борасидаги улкан хизматлари учун адабиётшунос 1967 ва 1992 йилларда икки марта Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати бўлган. “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланган (2003).

А.Ҳайитметов адабиётшуносликнинг мураккаб соҳаси бўлмиш мумтоз адабиёт тарихидан ташқари, туркология, халқ оғзаки ижоди, таржимашунослик сингари йўналишлар бўйича ҳам илмий изланишлар олиб борди. Мумтоз адабиётимиз намояндалари меросини нашрга тайёрлашда ҳам ташаббус кўрсатди. У нашрга тайёрлаган Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” дostonи (1974), “Шайх Санъон” ҳикояти (1962), Турдининг “Шеърлар” (1971) мажмуаси, Машрабнинг “Танланган шеърлар” (1960, 1961), Қул Убайдийнинг “Вафо қилсанг...” (1994) тўпламлари, Комилнинг “Девон”и (1975, В.Мўминов билан ҳамкорликда), Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг (XIV–XV аср) “Фунун ул-балоға” ва бошқа китоблар бунга мисол бўла олади.

Бобнинг иккинчи фасли “*Олим адабий-эстетик қарашларининг манбалари, тадрижи ва етакчи тамойиллари*” деб номланади. Бу фасл А.Ҳайитметовнинг таниқли адабиётшунос бўлиб танилишига сабаб бўлган омиллар, адабий-эстетик қарашларини шакллантирган асослар таҳлилига бағишланган.

Адабиётга меҳр-муҳаббат, оила муҳитидаги таъсирдан ташқари ўқувчилик даврида отасидан эски ўзбек ёзувини ўрганиши, олий ўқув

юртидаги таҳсили давомида М.Андреев, Е.Бертельс, С.Мирзаев, И.Петрушевский, А.Арендс, В.Беляев, Б.Ҳомидий, М.Кононов, В.Шишкин каби машҳур шарқшунос олимларнинг Шарқ халқлари мумтоз адабиёти ва тарихига бағишланган маърузаларини тинглаши Абдуқодир Ҳайитметовнинг адабиётшунос олим бўлишидаги асосий омиллар ҳисобланади.

Бўлажак олимнинг дунёқараши, адабий шахсияти, илмий-эстетик нуқтаи назари ўзбек халқ оғзаки ва ёзма адабиёти, мусулмон Шарқи маданий ва маънавий мероси асосида шаклланиб камол топди. Шуниси диққатга лойиқки, Абдуқодир Ҳайитметовнинг эътиқоди ва адабий-эстетик қарашлари умр бўйи ўсиб-ўзгариб, янгиланиб ва такомиллашиб борди. Бу ҳол унинг кўпчилик илмий тадқиқотларидаги назарий хулосалари салмоқли ҳамда устувор бўлишини таъминлади. Олимнинг эътиқоди ва илмий қарашларидаги ўсиш-ўзгариш унинг илмий муаммога ёндашув тарзи, ундаги муҳим жиҳатларни аниқлаш ҳамда муайян тўхтамга келишида ҳам намоён бўлди. Айтайлик, XX асрнинг 80-йилларига қадар тасаввуфга “ислом хурофотини чуқурлаштирадиган” зарарли таълимот сифатида қаралган. Шунинг учун Навоий асарлари умуман тасаввуфдан ажратиб тадқиқ қилинган. А.Ҳайитметовнинг “Навоий лирикаси” асарида ҳам шоир ғазалларидаги ёр образига кўпроқ дунёвий мазмун беришга мойиллик сезилади. Кейинчалик эса олим Навоий шеърини унинг диний, тасаввуфий, дунёвий-фалсафий қарашлари синтезининг маҳсули эканини тўғри эътироф этади<sup>1</sup>.

Ўзининг бутун илмий фаолияти давомида А.Ҳайитметов бир қатор илмий-назарий тамойилларга амал қилиб келдики, айти шу ҳолат унинг изланишларига ўзига хослик бағишлади ва олимлик қиёфасини белгилади. Биринчидан, олим ўзининг барча тадқиқотларида тарихийлик тамойилига қатъий амал қилди, бирор асарни яратилган тарихий давр ва шароитдан ажратиб ўрганмади. Иккинчидан, тадқиқотларида у ҳаётийлик ва ҳаққонийлик тамойилига алоҳида эътибор қилди. Ҳайитметов таянадиган илмий-ижодий тамойиллардан учинчиси халқчиллик эди. Олим бадиий ҳодисалар мазмун жиҳатидан ҳам, ифода тарзига кўра ҳам халқчил бўлишига алоҳида эътибор қаратади. Абдуқодир Ҳайитметов амал қилган илмий-филологик тамойиллардан тўртинчиси тушунарлиликдир. У ҳамиша мумтоз адибларнинг асарлари замиридаги ҳақиқатларнинг оддий китобхонлар томонидан тушуниб олинишига кўмак бериб келди. Шунингдек, олим ўз фикрини ҳам имкон борича тушунарли ифодалашга интилар, унинг илмий услуби учун жимжимадорлик ёт эди. А. Ҳайитметов илмий фаолиятида изчилликка риоя этган тадқиқотларчилардан. Шу боис унинг айрим илмий мақолалари кейинчалик диссертация, монографияларининг юзага келиши учун хизмат қилган бўлса, баъзан диссертация, монографияларида билдирилган мулоҳазалари вақти келганда қайта ишланиб, янги маълумотлар билан тўлдирилиб, бир неча илмий мақола тарзида жамоатчиликка тақдим этилган. Масалан, “Навоий лирикаси” монографиясида мулоҳаза тарзида айтиб ўтилган фикрлар “Орифона ғазаллар”, “Расмий девонларга кирмаган

<sup>1</sup> Ҳайитметов А. Алишер Навоий дунёси // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Т.: Фан, 1991. – Б. 24–25.

шеърлар”, “Ғазалдан ғазалга”, “Ғазалда ички руҳий ҳолат тасвири” сингари қатор мустақил мақолаларнинг ёзилишига сабаб бўлди. “Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари”, “Навоийнинг ижодий методи масалалари” каби йирик тадқиқотларида қайд этилган фактлар, таҳлил қилинган манбалар, “илмий чекиниш” тарзида билдирилган мулоҳазалар вақти келиб, “Навоий поэтик маҳорати ҳақида”, “Хамса” қаҳрамонларининг ижтимоий муҳитга муносабати”, “Анъанавий поэтика ва Навоий”, “Хамса” ва жаҳон адабиёти”, “Шеърятнинг нурафшон чўққиси”, “Алишер Навоий ижодиёти манбалари ҳақида” каби алоҳида илмий мақолаларга айланган. Бу мақолаларнинг ғояси олдин адабиётшуноснинг монографик тадқиқотларида тезис ёки чизги шаклида намоён бўлган эди. Булар тўғрисида диссертацияда атрофлича фикр юритилди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Абдуқодир Ҳайитметов – навоийшунос**” деб аталиб, уч қисмдан таркиб топган. Унинг “*Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари тадқиқи*” деган биринчи фаслида олимнинг “Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари” (1959) номли йирик тадқиқоти ва “Навоийда лирика таҳлили”, “Абдурахмон Жомий поэтик ижодининг эстетик принциплари ҳақида”, “Навоий эстетикасининг гултожи”, “Навоий шеърӣ маҳорат ҳақида” каби қатор мақолалари таҳлили асосида устоз навоийшунос томонидан шоир адабий-танқидий қарашлари қанчалик кенг ва чуқур тадқиқ этилгани ёритилди.

Бадиий сўз санъатига оид адабий-танқидий қарашлар Навоий ижодининг ажралмас бир қисмини ташкил этади. А.Ҳайитметов Навоий адабий-эстетик қарашларининг илдизларини очишга интилиб, унинг пешқадам Шарқ сўз санъаткорлари ижодиёти таъсирида шаклланишига эътибор қаратди. Олим Шарқда ҳам бадиий адабиётнинг устувор қонун-қоидаларини ўрганиш, унинг назарий асосларини билишга ҳаракат қадим даврлардан бошлангани, Навоий унинг тараққиётига ўз ҳиссасини қўшгани, ўзбек адабиётшунослиги тарихида назарий масалалар билан биринчи марта жиддий ва изчил шуғулланганлигини мисоллар орқали далиллайди. Шоирнинг адабиёт масалаларига доир мулоҳазалари унинг етук адабиётшунос олим бўлганлигини кўрсатади, деган хулосаларга келди. Навоийгача бўлган адабий-танқидий жараёни олим олти босқичга ажратади: 1) *адабий мажлислар, адабий мунозара ва суҳбатлар*; 2) *филологик характердаги назарий асарлар (ёки уларнинг таркибидаги мулоҳазалар)*; 3) *тазкирачилик, ёзма ҳамда оғзаки адабиётларни жамлаш*; 4) *адабий-бадиий асарларнинг солиштирма матнларини тайёрлаш тажрибаси*; 5) *адабий хотира ва мемуарлар ёзиш шакли*; 6) *адабий-бадиий тарзидаги мулоҳазалар*.<sup>1</sup> Буларнинг ҳар бири ҳақида олим бир-бирига ўхшамайдиган илмий далил ва маълумотларга асосланган фикр ва хулосаларни илгари суради. Эътиборга лойиқ томони эса, уларнинг янгилик ва ўзига хосликка эгаллигидир.

<sup>1</sup> Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. –Т.: Фан, 1959. – Б. 19.

Олимнинг аниқлашича, Навоийнинг адабий танқидчилиги икки йўл билан ривожланган. Бири – фикр-мулоҳазаларнинг очиклиги бўлса, иккинчиси имо-ишоралар тарзидадир. Унга кўра, Навоийнинг айрим масалаларни очик айтмаганига сабаб, биринчидан, ўқувчиларининг идрокига ишониш бўлса, иккинчидан, кўпчиликка маълум ҳақиқатларни такрорлашдан сақланишдир.

А.Ҳайитметов тадқиқотларида *танқидчи Навоий* ҳамда *адабиётшунос Навоий* иборалари тез-тез тилга олинади. Бу икки тушунчанинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш, аввало, Навоий илмий фаолиятини ўрганишда аҳамиятлидир. Навоий танқидчилиги лирик, эпик ва илмий асарлари замирига сингиб кетган бўлса, адабиётшунослик йўналишида у “Мажолис ун-нафоис”, “Мезон ул-авзон”, “Муфрадот” каби махсус асарлар яратган.

Маълумки, Навоий “Хамса”даги ҳар бир дostonнинг муқаддима ва хотима қисмларида адабиёт назариясига тегишли фикр-қарашларини баён қилади. “Хамса”нинг бошқа бир ўринларида ҳам гоҳо қимматли адабий-танқидий фикрлар учрайди. “Ҳайрат ул-аброр”нинг ўн иккинчи мақолатида қалам аҳли ҳақида мулоҳазалар билдирилган. Бу ўринларда адабий асарда мундарижа ва шаклнинг ўрни, адабиётнинг ижтимоий вазифаси ҳақида мулоҳаза юритилган. Айни жиҳат тадқиқотчи томонидан кузатилар экан, шоирнинг адабий-назарий фикрлари ҳамон ўз қимматини йўқотмагани қайд этилади. Ўрни-ўрни билан олим илмий-назарий фикрларини бошқа илмий асарлардаги фикр-мулоҳазалар билан боғлайди.

Абдуқодир Ҳайитметов Навоийнинг адабий-танқидий фаолияти ҳақидаги изланишларини кейинги ишларида ҳам давом эттиради. Жумладан, “Навоий эстетикасининг гултожи” мақоласида улуғ шоирнинг адабий-назарий қарашлари “Хамса”да ёрқин намоён бўлганини, “Навоий поэтик маҳорат ҳақида” номли мақоласида бадиий ижоднинг ҳаёт билан боғланиши, адабиётда мазмун ва шакл муносабати, адабий маҳорат каби масалаларга шоир катта эътибор қаратганини ўринли қайд этади.

Абдуқодир Ҳайитметов адабиётнинг ижтимоий вазифаси, мазмун ва шакл бирлиги, анъана, тил, бадиий маҳорат, ҳаётийлик, услуб, жанрий хусусиятлар, ижодкорнинг ахлоқи каби қатор муаммолар Навоий адабий танқидчилигининг туб масалалари бўлганлигини унинг илмий ва бадиий асарлари таҳлили мисолида исботлайди. Олимнинг эътирофи бўйича, улуғ шоирнинг адабий-танқидий фаолияти кўп қиррали. “Навоийнинг танқидий мулоҳазаларини сиёсат, фалсафа соҳаларида ҳам, тарих, тилшунослик соҳаларида ҳам учратамиз. Навоийнинг ...адабий-танқидий мероси ҳам унинг поэтик мероси сингари катта аҳамиятга эга... Навоий танқидчилигига назар ташлаш ўша давр адабиёти ва адабий ҳаётига назар ташлаш демакдир. Навоий адабий-танқидий меросини ўрганиш Навоийнинг ўз адабий ижодини чуқур ўрганишга ҳам ёрдам беради”<sup>1</sup>.

Абдуқодир Ҳайитметов улуғ мутафаккирнинг қай бир илмий асари хусусида тўхталмасин, албатта, ундаги адабий-танқидий қарашларни унинг

---

<sup>1</sup> Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Б. 6.

бадий асарлари билан қиёслаб мушоҳада юритади ва Навоийнинг сўзда, амалда, назария ва ижод жараёнида яхлит бир бутунликка эришган санъаткор эканлигини кўрсатиб беради.

Бобнинг иккинчи фасли “*Навоий лирикаси тадқиқ ва талқинидаги ўзига хослик*” деб аталади. А.Ҳайитметов 1954 йили ёқлаган “Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари” мавзусидаги номзодлик диссертациясидаёқ шоир лирикасидаги ўзига хосликка диққат қаратган эди. “Навоий лирикаси”(1961) монографияси эса қамровининг кенглиги, таҳлилнинг батафсиллиги, илмий-назарий мулоҳазаларнинг пухта ва асосланганлиги билан навоийшунослик илмида алоҳида воқеа ўлароқ эътироф этилди. Унда Абдуқодир Ҳайитметов Навоий лирикасининг генезисини аниқлашга жиддий эътибор қаратиб, шоирнинг ўзидан олдинги ўзбек ва форс шоирлари лирикасидан таъсирлангани, шунингдек, Навоийнинг Лутфий, Атойи, Саккокий каби ўзбек шоирлари ижодини пухта ўргангани, халқ оғзаки ижоди билан ҳам яқин муносабатда бўлганини далиллар билан кўрсатиб берган.

Абдуқодир Ҳайитметов Навоий шеърияти масалаларини талқин этар экан, шеърий жанрларнинг адабиётимиз тарихи ва Навоий ижодидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратади. Ҳар бир жанр намуналари таҳлиliga киришганда, аввало, жанрнинг назарий асослари ҳақида атрофлича мулоҳаза юритади. Мисол учун, рубоийнинг жанрий хусусиятларини текширар экан, унинг тарихи, назарий таърифи, бошқа лирик жанрлар билан қиёси, ғоявий-бадий характери, мавзу кўлами каби масалаларни изчиллик билан тадқиқ этади. Навоий рубоийнависликда туркий халқлар адабиётидаги анъаналар билан бир қаторда форс-тожик рубоийчилигининг энг яхши жиҳатларини ҳам умумлаштирди ва натижада “Рубоий соҳасида ўзининг шоирлик маҳоратини тўла кўрсатди ва ҳар қандай ғояни шу шакл рамкасида ажойиб усталик билан, ёрқин бўёқларда кишини ҳайратга соладиган даражада таъсирли қилиб бера билди”<sup>1</sup>.

Олим Навоий ғазалларини таҳлил қилар экан, уларнинг композициясида унчалик ҳам кўзга ташланавермайдиган ўзига хос жиҳатлар борлигини кўрсатди. Буларни: а) *бир мавзудаги ғазаллар*; б) *кўп мавзули ғазаллар*; в) *лирик чекиншилар учрайдиган ғазаллар*; г) *композициясини лирик характер бошқарадиган ғазаллар* тарзида тасниф қилади. Айни вақтда Навоий ўз ғазалларини ғоявий-тематик жиҳатдан шартли равишда 1. Ошиқона ғазаллар. 2. Риндона ғазаллар. 3. Орифона ғазаллар тарзида уч қисмга бўлганини кўрсатди. Шоир яқпора ғазаллар яратиш билан ғазалчилик тараққиётида янги босқични бошлаб берганини ўринли қайд этади. Барча Шарқ мумтоз сўз санъаткорлари ижодида бўлгани каби, Навоий лирикаси ҳам мундарижа жиҳатидан, асосан, ишқ мавзуси билан боғланганини таъкидлар экан, шоирнинг бу мавзу воситасида жамият ва инсон ҳаётидаги деярли ҳамма масалаларни у ёки бу шаклда акс эттирганига эътибор қилади.

Маълумки, адабиётшуносликнинг муҳим масалаларидан бири лирик қаҳрамон ҳаёти ва тақдири бўлган. Монографиянинг “Навоий лирикасидаги

---

<sup>1</sup> Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Т.: Фан, 1961. –Б. 64.



асосий образлар” бобида шоир шеъриятидаги образларни олим учга ажратади: *лирик қаҳрамон, шоир образи ва лирик персонаж*. Яъни, шоир “мен”и – Навоий ва ошиқ образи бирлашиб, лирик қаҳрамонни вужудга келтиради. Шунинг учун олим тўқима образ билан шоир образини бири-бирдан ажратиб бўлмаслигига урғу беради ва шоир образи автобиографик шеърларида ўзгача тарзда аниқ намоён бўлишини исботлайди.

Навоий шеърятини биографик усулда, яъни муаллиф асарига унинг таржимаи ҳоли, яшаган даври нуктаи назаридан ёндашиб ўрганиш Ҳайитметов илмий фаолиятида алоҳида ўрин тутадиган метод саналади. Биографик метод асосида Навоий ижодига ёндашиб, ҳаёти билан боғлиқ айрим воқеа-ҳодисаларни асарлари мазмунига образли тарзда қандай сингдирганини очиб берган.

Маълумки, дин ва унга қўшиб тасаввуф ҳам қораланган совет даврида бадий асарларнинг диний-тасаввуфий қатламини кенг очишга имкон йўқ эди. Шунинг учун ҳам А.Ҳайитметов ишқ ва май мавзулари, ошиқ, маъшук, ринд, зоҳид, муҳтасиб, фақиҳ каби образларни замон имкони даражасида ўрганади ва уларни реал турмуш билан боғлашга ҳаракат қилади. Ҳозирги кунда бу мавзу ва образлар ўзининг ҳаққоний талқинини топаётгани маълум. Лекин ўтмишга баҳо бераётганда давр талабларини ҳам назардан соқит қилмаслик керак.

Абдуқодир Ҳайитметов Навоий лирик меросини манбаларга таянган, илдизларини аниқлаган ҳолда турли ракурсларда текширди. Унинг бу соҳадаги йирик ҳажмдаги фундаментал тадқиқотлари узок вақт ўз илмий қимматини йўқотмайди.

Бобнинг учинчи фасли “*Хамса*”га доир тадқиқотларнинг *етакчи хусусиятлари*” деб номланиб, унда А.Ҳайитметовнинг Алишер Навоий “Хамса”си мавзусидаги тадқиқотлари таҳлилга тортилади ва уларнинг ўзига хосликлари ёритилади. Маълумки, устоз олим навоийшунос сифатида бир умр улуғ шоир ҳаёти ижоди билан шуғулланди, айна пайтда “Хамса” дostonлари ҳамиша унинг тадқиқот марказида бўлди.

“Хамса” – Навоий поэтик истеъдодининг муҳташам чўққиси. Ўтган беш асрдан ортиқ давр “Хамса”нинг халқимиз бадий тафаккури тарихида беқиёс ҳодиса бўлганлигини кўрсатди. Шу боис бу асарнинг генезиси, ёзилиш жараёни, образлар тизими, бадий хусусиятларини тадқиқ этиш навоийшуносликда алоҳида йўналишни ташкил этди. С.Айний, Е.Бертельс, О.Шарафиддинов, Ойбек, Т.Жалолов, А.Қаюмов, Б.Валихўжаев сингари ўнлаб атоқли олимлар қатори А.Ҳайитметов ҳам хамсашуносликка муносиб ҳисса қўшди. У “Хамса” асарига қайта-қайта мурожаат қилиб, уни турли томондан тадқиқ этди.

Олимнинг бу борадаги тадқиқот йўналишини қуйидагича таснифлаш мумкин: 1) “Хамса”нинг яратилиш жараёни; 2) хамсачилик тарихи; 3) дostonлардаги ижтимоий-маърифий масалалар талқини; 4) “Хамса” образлари таҳлили. У “Хамса”га даҳо шоир ижодиётининг чўққиси сифатида қараб, Навоий эпик асарларига лирика орқали кириб борганини изоҳлайди ва йиллар мобайнида “Навоийнинг эстетик идеали ҳақида” (1962), “Навоий

достонларидаги реалистик хусусиятлар” (1966), “Хамса” қаҳрамонларининг ижтимоий муҳитга муносабати масаласи” (1966), “Хамса” ва давр” (1968), “Навоий “Хамса”сининг қўлёзмаларини ўрганиш” (1980), “Тафаккур достони” (1983), “Хамса”да янги ижтимоий тип талқини” (1985), “Хамса”нинг яратилиш жараёни” (1985), “Хамса” ва жаҳон адабиёти” (1986), “Хамса”да ислом нури” (1996), “Алишер Навоий услуби муаммолари” (“Хамса” мисолида, 1999), “Ҳайрат ул-аброр”да услуб ранг-баранглиги” (2001), “Фарҳод – тинчлик, меҳнат, бунёдкорлик тимсоли” (2003) сингари бир қатор мақолаларни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди. Уларнинг ҳар бирида фикр-қарашлардаги ўсиш-ўзгариш кўзга ташланиб боради.

Навоийнинг адабий-танқидий қарашларини ўрганишга оид илк тадқиқотидаёқ А.Ҳайитметов “Хамса”га йирик илмий-эстетик манба сифатида қараган эди. У буюк мутафаккирнинг адабий қарашлари борасидаги ўз илмий хулосаларини “Хамса”нинг композицион қурилиши, сюжет мотивлари, образлар тизими, ғоявий-бадиий хусусиятларига таяниб асослайди. Унинг назарида, “Хамса” Навоий шахсияти ва ижодиётига хос нозик жиҳатларни ҳам тушуниш ва изоҳлаш воситаси ҳисобланади, унда шоир даҳосининг юксак моҳияти акс этган, деб билади. “Хамса”нинг юзага келиши фақат ўзбек адабиёти тарихидагина эмас, жаҳон адабиёти тарихида ҳам буюк воқеа экани, моҳият миқёсига кўра у эпопеялигини таъкидлайди.

Навоий шеърятдаги исломий ва ирфоний қарашларни бутун мураккаблиги ва серқирралиги билан ўрганиш ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмидан бошланди. “Хамса” шўро даври олимлари каби Ҳайитметов томонидан ҳам, асосан, дунёвий, тўғрироғи, ижтимоий моҳиятда ўрганилган бўлса, Истиклол даврига келиб, унинг талқин доираси кенгайди. Қуръони карим, Ҳадиси шариф ва тасаввуф фалсафасига таяниб Навоий ижодини тадқиқ этилганини олимнинг кейинги ишларида кўриш мумкин. “Хамса”да ислом нури”, “Хамса” ва жаҳон адабиёти”, “Нақшбандия Навоий талқинида” номли мақолалари шоир достонлари моҳиятига янгича қараш акс этганлиги билан эътиборлидир.

Диссертациянинг учинчи боби **“Абдуқодир Ҳайитметов – адабиёт назарийчиси”** деб аталиб, у ҳам уч фаслдан иборат. Унинг илк фасли *“Мумтоз адабиётда метод ва услуб муаммолари тадқиқи”* га бағишланган.

Ижодий метод ва услубдай мураккаб назарий масалаларни ўрганиш А.Ҳайитметов тадқиқотларида алоҳида ўрин тутди. Ижодий метод ва услубни у дастлаб Навоий ижоди мисолида, кейинроқ, умуман, Шарқ адабиёти миқёсида тадқиқ этди. А.Саъдий, Н.Маллаев, В.Зоҳидов, Ғ.Каримовларнинг айрим илмий ишларида Навоийнинг ижодий методига доир йўл-йўлакай мулоҳазалар билдирилган бўлса-да, бу мавзу махсус ўрганилмаган эди. Н.Маллаев билан В.Зоҳидов Навоий ижодиёти романтизмга асосланган, деган тўхтамга келишган. А.Ҳайитметов эса ижодий методни романтизм ва реализм доирасидагина эмас, балки эстетик идеал, бадиий шартлилик, услуб билан узвийликда ўрганади. У ижодий метод масаласига дастлаб “Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари” монографиясида эътибор қаратган бўлса, кейинчалик

“Навоийнинг ижодий методи масалалари” ҳамда “Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан” сингари фундаментал тадқиқотларида бунга батафсил тўхталди.

А.Ҳайитметовнинг илмий-тадқиқот ишларида ижодий метод муаммоси Навоий асарларидаги бетакрор хусусиятларини ўрганишга асосланган илмий ёндашув эди. Тадқиқотчи улуғ шоирнинг ижодиётида реализм методининг бирламчи талаби бўлмиш ҳаққонийликнинг намоён бўлишига алоҳида эътибор қаратади. Айти пайтда, у романтизм билан реализм методларидаги ҳаққонийлик орасида тафовут мавжудлигини таъкидлайди. Романтизм методиди яратилган асарда ҳаётий ҳақиқат тасвирининг учраши унинг реалистик методда яратилганини англамайди, деган нуқтаи назарга таяниб, Навоий асарларининг ғоявий йўналиши, образлар тизими, ижод маҳсулининг бетакрорлигини таъминлаган омилларни таҳлил қилади.

Ҳайитметовга кўра, Навоий ижодида реалистик тасвир унсурлари ҳасби ҳол йўналишидаги шеърларида, қитъа ва чистонларида, сатирик характердаги асарларида яққол кўринган. Унингча, мумтоз адабиётдаги анъанавий романтик метод ҳукмронлиги реалистик тасвир услубини бутунлай инкор этмаган. Аксинча, халқчил адабиётнинг бутун тараққиёт тарихи давомида реализм кўринишлари романтизм билан ёнма-ён яшаб келган.

